

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил июль ойининг 07 куни жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи-шаҳар судининг судьяси Б.Турдиев, судья ёрдамчиси Ш.Азизовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон шаҳар прокурори ёрдамчиси У.Низомидинов, судланувчи Р.К ва унинг ҳимоячиси Андижон шаҳар “AVANGARD NIHOYA SERVIS” адвокатлик бюроси адвокати А.Рузиоҳунов, судланувчи Б.Ж ва унинг ҳимоячиси Андижон шаҳар “NUR-ZIYO FEMIDA” адвокатлар ҳайъати адвокати Қ.Тухтаевларнинг иштирокида, жабрланувчи Ш.Юлчиев, фуқаровий даъвогар Ж.Каримов, О.Шокировларнинг қатнашувида К.Р.А ўғли ва Ж.Б.А ўғлига оид 1-1705-2201/-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

К.Р.А ўғли 1993 йил туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оиласидан ажрашган, 1 нафар вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Булоқбоши туман судининг 2020 йил 19 майдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан 4 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазони тўлиқ ўтаган, Булоқбоши тумани, яшаган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 2022 йил 4 январь куни терговчининг қарорига асосан ушланган, иш бўйича 2022 йил 6 январь куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини 2022 йил 20 май куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган;

Ж.Б.А ўғли 1992 йил туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар вояга етмаган фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Булоқбоши туманида яшайди, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 221-моддаси тартибида 2022 йил 4 январь куни терговчининг қарорига асосан



ушланган, иш бўйича 2022 йил 6 январь куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2022 йил 3 февраль куни қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси гаров тарзидаги эҳтиёт чорасига алмаштирилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 25 май куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд, судланувчилар, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарлар ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки терговда ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга холисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокараси ва судланувчиларнинг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Р.К таниши Ш.Юлчиевни алдаб, уни ишончини суиистеъмол қилиб, унга унинг Булоқбоши туманида жойлашган “Шермат Юлчиев” фермер хўжалигига чўпонлик вазифасига ишга кириб, қўйларини боқиб беришини ёлғондан айтиб, уни қўйларини унга боқиб бериши учун топширишига эришиб, 2021 йил ноябрь ойининг охирида таниши Б.Ж билан ушбу қўйлардан сотишни мақсад қилишиб, у билан олдиндан тил бириктиришиб, Б.Ж топган харидор Ж.Каримовга Б.Ж дастлаб ушбу қўйлар ўзига тегишли эканини, кейинчалик қўйларни Р.Кга тегишли эканини, Р.Книнг отаси касаллиги учун уларни сотиб бераётганини айтиб, уларни арзонроқ нархда сотиб юборишини айтиб, уни қизиқтириб, аслида Ш.Юлчиевга тегишли нархи 12.000.000 сўм бўлган беш бош қўйларни Ж.Каримовга жами 5.000.000 сўм эвазига фирибгарлик йўли билан сотиб юборишиб, қўлга киритилган пулларни ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Бундан ташқари, судланувчи Р.К 2021 йил декабрь ойининг бошларида таниши Б.Ж билан олдиндан тил бириктириб, Б.Ж топган харидор Ж.Ғаппоровга Б.Ж автомашинасини таъмирлаш учун қўйларини арзон нархларга сотаётганини айтиб, уни қизиқтириб, аслида Ш.Юлчиевга тегишли нархи 2.400.000 сўм бўлган бир бош қўйни унга 800.000 сўм эвазига фирибгарлик йўли билан такроран сотиб юборишиб, қўлга киритилган пулларни ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Бундан ташқари, судланувчи Р.К 2021 йил декабрь ойининг ўрталарида таниши Б.Ж билан олдиндан тил бириктириб, Б.Ж топган харидор А.Ғоппоровга Б.Ж гўёки Тошкент шаҳридан бир йўловчини олиб келгани, уни йўл кирага пули йўқлиги сабабли 100 АҚШ доллари ҳисобига бир бош қўй берганини ёлғондан айтиб, уни ушбу қўйни



олишга қизиқтириб, аслида Ш.Юлчиевга тегишли нархи 2.400.000 сўм бўлган бир бош қўйни унга 100 АҚШ долларига, Собир исмли шахсга эса арзон нархда сотаётганини айтиб, аслида Ш.Юлчиевга тегишли нархи 2.400.000 сўм бўлган бир бош қўйни унга 700.000 сўм эвазига фирибгарлик йўли билан такроран сотиб юборишиб, қўлга киритилган пулларни ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Бундан ташқари, судланувчи Р.К 2021 йил декабрь ойининг ўрталарида таниши Б.Ж билан олдиндан тил бириктириб, Б.Ж топган Булоқбоши туманидаги Қашқар МФЙда яшовчи шахсини аниқлашни имкони бўлмаган харидорга Б.Ж гўёки қўйларни Р.Кга тегишли эканини айтишиб, Р.Кни отаси касаллиги сабабли уларни арзон нархларда сотишини маълум қилишиб, аслида Ш.Юлчиевга тегишли нархи 2.400.000 сўм бўлган бир бош қўйни унга 800.000 сўм эвазига фирибгарлик йўли билан такроран сотиб юборишиб, қўлга киритилган пулларни ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборишган.

Бундан ташқари, судланувчи Р.К 2021 йил декабрь ойининг охирларида О.Шокировга гўёки қўйларни ўзига тегишли эканини, отаси касаллиги сабабли уларни сотмоқчилигини айтиб, аслида Ш.Юлчиевга тегишли нархи 12.000.000 сўм бўлган беш бош қўйларни унга 4.100.000 сўм эвазига фирибгарлик йўли билан такроран сотиб юбориб, қўлга киритилган пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, судланувчи Р.К 2021 йил декабрь ойининг охирларида таниши Т.Сотволдиевга гўёки Булоқбоши туманида жойлашган “Шермат Юлчиев” фермер хўжалигига чўпонлик қилиб келишини, ойлик иш ҳақи сифатида олган қўйларни ўзига тегишли эканини, отаси касаллиги сабабли уларни сотмоқчилигини айтиб, аслида Ш.Юлчиевга тегишли нархи 9.600.000 сўм бўлган тўрт бош қўйларни унга 3.200.000 сўм эвазига фирибгарлик йўли билан такроран сотиб юбориб, қўлга киритилган пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Бундан ташқари, судланувчи Р.К 2021 йил декабрь ойининг охирларида дастлабки терговда шахсни аниқлашнинг имкони бўлмаган харидорларга гўёки Булоқбоши туманида жойлашган “Шермат Юлчиев” фермер хўжалигига чўпонлик қилиб келишини, ойлик иш ҳақи сифатида олган қўйларни ўзига тегишли эканини, отаси касаллиги сабабли уларни сотмоқчилигини айтиб, аслида Ш.Юлчиевга тегишли нархи 36.000.000 сўм бўлган ўн беш бош қўйларни арзон нархларда фирибгарлик йўли билан такроран сотиб юбориб, қўлга киритилган пулларни ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

Судланувчи Р.К судда ўзига эълон қилинган айбловга тўлиқ иқроор бўлиб, 2021 йил ноябрь ойида Булоқбоши туманида жойлашган Ш.Юлчиевнинг “Шермат Юлчиев” фермер хўжалигида чўпон бўлиб ишга киргани, фермер хўжалигида жами 217 бош қўйлар бўлгани, уларни фермер хўжалигига қарашли ер майдонида боқиб келгани, бундан



ташқари Отабек исмли бола ҳам ушбу фермер хўжалигида ўзи билан бирга ишлаб келгани, фермер хўжалиги раҳбари Ш.Юлчиев бир ойда бир маротаба қўйларни санаб ҳисоб-китоб қилиб кетгани, шунингдек қўйлар қўпайиб бораётгани сабабли, уларнинг орасидан бир-икки бош қўйларни Ш.Юлчиевга билдирмасдан сотиб юбориш нияти пайдо бўлгани, шундан сўнг таниши Б.Жга сотиладиган қўйлар борлигини айтгани, унга қўйлар ўзига тегишли эканини маълум қилганида у арзон нархда бўлса уларни сотиб олиши мумкинлигини билдиргани, шундай қилиб Б.Жга ва у ва ўзи топган мижозларга фермер хўжалигидан ўттиз икки бош қўйларни олиб чиқиб арзон нархларда сотиб юборгани, аслида чўпонлик қилишини айтиб, Ш.Юлчиевни ҳам алдагани, мақсади қўйларни сотиб юбориш бўлгани, Б.Ж қўйларни Ш.Юлчиевга тегишли эканини билмагани, дастлабки терговда унга қарши кўрсатув бермагани, тушунтириш хати ва сўроқ баённомаларига ўқимасдан имзо қўйгани, дастлабки тергов вақтида Ш.Юлчиев ва бошқаларга етказилган зарар қисман бўлса-да қоплангани, отаси ва синглисидан бошқа ҳеч кими йўқлигини, отаси ҳозирда Россия Федерациясида ишлаётгани сабабли синглиси қаровсиз ҳолда қолгани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини таъкидлаб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Б.Ж судда ўзига эълон қилинган айбловга қисман иқрор бўлиб, Р.Кни анча йилдан буён таниши, 2021 йил ноябрь ойининг бошларида Р.К унга Булоқбоши туманида қўй боқиб чўпонлик қилаётганини, ҳозирда сотиладиган қўйлари борлигини айтгани сабабли ўзи ҳам бир-икки бор арзон нархларда қўйлар олгани, бундан ташқари Р.Кга қўйларини сотиб бериш учун бошқа харидорлар ҳам топиб бергани, Р.К аслида Ш.Юлчиевга тегишли қўйларни унга билдирмасдан сотаётганини билмагани, агар бу тўғрисида билган бўлганида уларни сотиб олмаган бўлиши ва унга харидорлар топмаган бўлиши, ўзи сотиб олиб бошқаларга сотиб юборган қўйларни нархларини Ш.Юлчиевга тўлагани, бундан ташқари зарарни қоплаш учун тергов органининг банкдаги депозит ҳисоб рақамига топширган 2.300.000 сўмни ва гаров тарзидаги эҳтиёт чораси учун топширган 5.400.000 сўмни етказилган зарар ҳисобидан Ш.Юлчиевга беришини таъкидлаб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини инобатга олиб, енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Ш.Юлчиев судда, судланувчи Р.К 2021 йилнинг ноябрь ойида фирибгарлик йўли билан гўёки унинг Булоқбоши туманида жойлашган “Шермат Юлчиев” фермер хўжалигига чўпонлик вазифасига ишга кириб, уни алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, 2021 йилнинг ноябрь-декабрь ойлари давомида ҳар бирининг нархи 2.400.000 сўмдан бўлган 32 бош қўйларини қўлга киритиб, уларни Б.Ж ва бошқалар билан сотиб юборишгани, бу ҳолатдан кейинчалик укаси қўйларни санаган вақтда улар кам чиққанидан сўнг хабардор бўлгани, ҳозирда судланувчилар томонидан унга етказилган зарарнинг



бир қисми қоплангани, қолган 30.000.000 сўм зарардан судланувчи Р.Книнг моддий шароити оғирлиги сабабли воз кечишини таъкидлаб, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги тўғрисида кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар Ж.Каримов судда, Иброхим исмли таниши орқали судланувчи Б.Ж билан танишгани, Б.Ж 2021 йил ноябрь ойининг охирларида ушбу қўйлар ўзига тегишли эканини, кейинчалик қўйларни Р.Кга тегишли эканини, Р.Книнг отаси касаллиги учун уларни сотиб бераётганини айтиб, уларни арзонроқ нархда сотиб юборишини айтиб, уни қизиқтиргани сабабли, ундан беш бош қўйларни 5.000.000 сўм эвазига сотиб олгани, аслида ушбу қўйларни Ш.Юлчиевга тегишли эканини билмагани, ўзига етказилган зарар тўлиқ қоплангани тўғрисида кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар О.Шокиров судда, кейинчали таниган судланувчи Р.К 2021 йил декабрь ойининг охирларида гўёки қўйларни ўзига тегишли эканини, отаси касаллиги сабабли уларни сотмоқчилигини айтгани сабабли ундан беш бош қўйларни 4.100.000 сўм эвазига сотиб олгани, аслида ушбу қўйларни Ш.Юлчиевга тегишли эканини билмагани, ўзига етказилган зарар тўлиқ қоплангани тўғрисида кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар Т.Сотволдиев дастлабки терговда, судланувчи Р.К 2021 йил декабрь ойининг охирларида гўёки Булоқбоши туманида жойлашган “Шермат Юлчиев” фермер хўжалигига чўпонлик қилиб келишини, ойлик иш ҳақи сифатида олган қўйларни ўзига тегишли эканини, отаси касаллиги сабабли уларни сотмоқчилигини айтгани сабабли тўрт бош қўйларни ундан 3.200.000 сўм эвазига сотиб олгани, аслида ушбу қўйларни Ш.Юлчиевга тегишли эканини билмагани, ўзига етказилган зарар тўлиқ қоплангани тўғрисида кўрсатув берган.

Гувоҳ А.Ғоппоров судда, 2021 йил декабрь ойининг ўрталарида маҳалладоши Б.Ж гўёки Тошкент шаҳридан бир йўловчини олиб келгани, уни йўл кирага пули йўқлиги сабабли 100 АҚШ доллари ҳисобига бир бош қўй берганини, уни ушбу нархда сотишини айтгани сабабли ундан бир бош қўйни 100 АҚШ доллари эвазига сотиб олгани ва ушбу қўйни қариндоши Х.Ғоппоровга 1.600.000 сўм эвазига сотиб юборгани, аслида қўйлар Ш.Юлчиевга тегишли эканидан беҳабар бўлгани тўғрисида кўрсатув берди.

Гувоҳ Х.Ғоппоров ҳам судда, гувоҳ А.Ғоппоровнинг кўрсатувиغا ўхшаш кўрсатув берди.

Гувоҳ М.Асранов судда, 2021 йил 26 декабрь куни соат 15 ларда судланувчи Р.К қўйни ҳовлисида ҳайдаб ўтганини билиб, бундан жаҳли чиқиб уни шу куни қидириб топганида, у қўйни унинг ҳовлисида олиб ўтгани тўғри экани, Ш.Юлчиевнинг фермасида чўпон бўлиб ишлашини, отаси касал бўлиб қолгани сабабли Ш.Юлчиев унга бир бош қўй берганини айтганида, бу ҳолатни тўғри эканини тасдиқлаш мақсадида



Ш.Юлчиевга қўнғироқ қилгани, бу у қўнғироққа жавоб бермагани, бу ҳолатга Б.Ж ҳам гувоҳ бўлгани тўғрисида кўрсатув берди.

Гувоҳ Ж.Боймирзаев судда, 2021 йил декабрь ойининг бошида судланувчи Р.К билан бирга Булоқбоши тумани, Ширмонбулоқ МФЙда жойлашган чойхонага кечки овқатни бирга танавул қилиб гаплашиб ўтириш мақсадида боришгани ва у ерда Р.К Б.Ж билан кўришгани, шунда ундан нима сабабдан Б.Ж билан кўришганини сўраган вақтда Р.К Б.Жнинг қарзи борлигини айтгани, ўша вақтда Р.Кни Ш.Юлчиевга тегишли фермада чўпон бўлиб ишлаётганидан хабари бўлгани тўғрисида кўрсатув берди.

Судланувчи Р.К ва Б.Жларнинг айби, уларнинг айбига тўлиқ ва қисман иқдор бўлиб берган кўрсатувларидан ташқари, гувоҳларнинг кўрсатувлари, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида мавжуд бўлган бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Гарчанд, судланувчи Р.К суд муҳокамаси давомида Б.Ж қўйларни Ш.Юлчиевга тегишли эканини билмагани, дастлабки терговда унга қарши кўрсатув бермагани, тушунтириш хати ва сўроқ баённомаларига ўқимасдан имзо қўйгани тўғрисида, судланувчи Б.Ж Р.К аслида Ш.Юлчиевга тегишли қўйларни унга билдирмасдан сотаётганини билмагани, агар бу тўғрисида билган бўлганида уларни сотиб олмаган бўлиши ва унга харидорлар топмаган бўлиши тўғрисида важлар келтиришса-да, суд уларнинг ушбу важларини судланувчи Р.Книнг дастлабки тергов вақтида аслида ушбу қўйларни фермер Ш.Юлчиевнинг рухсатсиз, унинг хабардорлигисиз ўғирлаб чиқаётганлигини, агарда қўйларга харидор топиб берса унга ҳам тегишли улуш беришини айтганида у рози бўлгани, ўша куннинг ўзи Б.Ж қўйларга харидор топгани тўғрисидаги кўрсатувлари билан рад этади ва уларнинг юқоридаги важларини жавобгарликдан ва жазодан қутилиш, судни эса чалғитиш мақсадида келтирилган важлар сифатида баҳолайди.

Суд, судланувчи Р.К ва Б.Жларнинг қилмиш ҳаракатлари квалификация масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан уларнинг алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгаларнинг мулкани такроран фирибгарлик билан қўлга киритганликда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг "б" банди билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 5-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 3-бандида "Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий



хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак.”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Р.Кга жазо тури ва унинг миқдорини тайинлашда, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришларига амал қилиб, унинг жиноятни ғараз ва паст ниятларда ҳамда илгари ҳам қасддан жиноят содир этиб, қасддан янги жиноят содир этганини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг даъвоси йўқлигини, отаси ва синглисидан бошқа ҳеч ким йўқлигини, отаси ҳозирда Россия Федерациясида ишлаётгани сабабли синглиси қаровсиз ҳолда қолганини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, унга айбланаётган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан уни 2022 йил 4 январдан 2022 йил 7 июлга қадар қамоқда сақланган ҳар бир кунини уч кун ахлоқ тузатиш ишларига тенглаштириб, уларни тайинланган жазодан чегиришни;

судланувчи Б.Жга жазо тури ва унинг миқдорини тайинлашда, унинг жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир этганини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унинг айбига қисман бўлса-да иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарларнинг даъвоси йўқлигини, муқаддам судланмаганини, 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида эътироф этиб, унга айбланаётган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан уни 2022 йил 4 январдан 2022 йил 3 февралга қадар қамоқда сақланган қадар ҳар бир кунини уч кун ахлоқ тузатиш ишларига тенглаштириб, уларни тайинланган жазодан чегиришни;



судланувчи Б.Ж томонидан гаров тарзидаги эҳтиёт чораси учун Андижон вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг АТИБ “Ипотекабанк” Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 5.400.000 сўмни жабрланувчи Ш.Юлчиевга етказилган зарарни қоплаш учун ундиришни;

судланувчи Б.Ж томонидан етказилган зарарни қоплаш учун Андижон вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг АТИБ “Ипотекабанк” Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 2.300.000 сўмни жабрланувчи Ш.Юлчиевга етказилган зарарни қоплаш учун ундиришни;

жабрланувчи Ш.Юлчиевнинг қопланмай қолган зарардан воз кечганлиги ва фуқаровий даъвогар Т.Сотволдиев, Ж.Каримов, О.Шокировларнинг етказилган зарар бартараф қилингани сабабли судланувчиларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги тўғрисидаги аризаларини инобатга олишни лозим топади.

Бинобарин, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

К.Р.А ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

К.Р.А ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Р.Кни 2022 йил 4 январдан 2022 йил 7 июлга қадар қамоқда сақланган ҳар бир кун учун ахлоқ тузатиш ишларига тенглаштирилиб, тенглаштирилган 1 (бир) йил 6 (олти) ой 9 (тўққиз) кун ахлоқ тузатиш ишлари тайинланган жазодан чегириб ташланиб, ўташ учун 11 (ўн бир) ой 21 (йигирма бир) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо Булоқбоши туман ИИБ Пробация гуруҳи томонидан белгилаб бериладиган бошқа жойларда ўтатирилиб, жазони ўташ муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукмни ижросини таъминлаш Булоқбоши туман ИИБ Пробация гуруҳининг зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Р.Кга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилиниб, у дарҳол суд мажлиси залида қамоқдан озод қилинсин.

Ж.Б.А ўғли Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.



Ж.Б.А ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 (йигирма) фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Б.Жни 2022 йил 4 январдан 2022 йил 3 февралга қадар қамоқда сақланган ҳар бир куни уч кун ахлоқ тузатиш ишларига тенглаштирилиб, тенглаштирилган 2 (икки) ой 27 (йигирма етти) кун ахлоқ тузатиш ишлари тайинланган жазодан чегириб ташланиб, ўташ учун 1 (бир) йил 9 (тўққиз) ой 3 (уч) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо Булоқбоши туман ИИБ Пробаця гуруҳи томонидан белгилаб бериладиган бошқа жойларда ўтатирилиб, жазони ўташ муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ҳукми ижросини таъминлаш Булоқбоши туман ИИБ Пробаця гуруҳининг зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Б.Ж томонидан гаров тарзидаги эҳтиёт чораси учун Андижон вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг АТИБ “Ипотекабанк” Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 5.400.000 (беш миллион тўрт юз минг) сўм жабрланувчи Ш.Юлчиевга етказилган зарарни қоплаш учун ундирилсин.

Судланувчи Б.Ж томонидан етказилган зарарни қоплаш учун Андижон вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг АТИБ “Ипотекабанк” Андижон вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 2.300.000 (икки миллион уч юз минг) сўм жабрланувчи Ш.Юлчиевга етказилган зарарни қоплаш учун ундирилсин.

Жабрланувчи Ш.Юлчиевнинг қопланмай қолган зарардан воз кечганлиги ва фуқаровий даъвогар Т.Сотволдиев, Ж.Каримов, О.Шокировларнинг етказилган зарар бартараф қилингани сабабли судланувчиларга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги тўғрисидаги аризалари инобатга олинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчилар, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарлар эса ҳукм кўчирмасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида Андижон вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Б.Турдиев

**Ҳукм нусхаси аслига тўғри,
жиноят ишлари бўйича
Андижон шаҳар судининг судьяси**

Б.Турдиев

